

ХЎЖАНАЗАРОВ МУХИДДИН МУСТАФОҚУЛОВИЧ 70 ЁШДА


Хўжаназаров Мухиддин Мустафоқулович Республика-мизда қоятош расмларини ўрганиш ва сақлаш бўйича етук мутахассис, халқаро эксперт, гуманитар фанлар билимдони ва серкирра тадқиқотчилардан биридир. Маданий меросни сақлаш халқаро ташкилоти ICOMOS, SAIPI ва SARAD қоятош санъатини ўрганиш халқаро ташкилотлари аъзоси сифатида фаолият олиб бораётган Мухиддин Мустафоқулович Ўзбекистон ибтидоий археологиясини ривожлантириш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва илмий, жумладан, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдаги хизматлари катта бўлиб, унинг фаол иштироки билан Қизилқум ҳудудида тош даврини ва республикамизнинг кўплаб ҳудудларида қоятош расмларини ўрганиш бўйича қатор халқаро экспедициялар ташкил этилган ва уларнинг аксарияти изла-нишларни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Хўжаназаров Мухиддин Мустафоқулович 1954 йил 9 июнда Самарқанд вилояти Хатирчи тумани Шихлар қишлоғида туғилган. 1971 йилда Хатирчи туманидаги 20-сон ўрта таълим мактабини тамомлаган бўлажак олим шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика инсти-тутининг тарих факультетига ўқишга киради. Мухиддин Хўжаназаров талабалик йиллари-даёқ илмий тадқиқот ишларига қизиқиб, факультетнинг Ўзбекистон шаҳарлари тарихини ўрганувчи талабалар илмий жамияти аъзоси сифатида фаолият олиб боради. Хусусан, “Ўз-бекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси доцент Маъруф Раҳимов раҳбарлигида республика талабалар конференцияларида ўз илмий маърузалар билан қатнашиб, диплом ва сертифи-катлар билан тақдирланади.

Мухиддин Мустафоқулович институтни тамомлагач, 1977 йилдан Ўзбекистон Респу-бликаси Фанлар академияси Археология институтида лаборант вазифасида иш бошлайди. Унинг археология соҳасидаги дастлабки малакаси Учтут, Жарқўтон, Кучуктепа, Кўлбулок ёдгорликларида олиб борилган археологик экспедицияларда қатнашишдан бошланган. Бу ерда дала қазув тадқиқоти, археологик ашёларни қайта ишлаш ва ҳужжатлаштириш усул-лари ва кўникмаларини ўрганади. 1979–1981 йилларда Институт томонидан Ленинградга ЛОИА (Археология институтининг Ленинград бўлими, ҳозирги Россия Фанлар Акадмия-си) амалиёт ўташ учун юборилади. Бу ерда у профессор Н. Н. Гурина илмий раҳбарлиги археология ва қоятош санъати соҳасида ўз малакасини оширади. Шу билан бирга амалиёт давомида петроглифларни тадқиқ этиш соҳасининг етук мутахассислари – Я. А. Шер, А. Д. Столяр, З. А. Абрамова, В. М. Массон, Я. А. Заднепровский, Э. А. Окладникова ва бошқалар билан учрашиб, ўз соҳаси бўйича зарур тажрибага эга бўлади.



Амалиётдан сўнг М. Хўжаназаров Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти қошидаги аспирантурага ўқишга кириб, профессор Ў. И. Исломов раҳбарлигида Фарғона водийсидаги экспедицияларда иштирок этади, тош даври ёдгорликлари ва қоятош расмлари устида археологик тадқиқотлар олиб боради. Айнан шу вақтда М. М. Хўжаназаров қоятош расмларининг илгари фанга номаълум бўлган



кўплаб янги ёдгорликлари хусусан, Фарғона водийсида биринчи марта Эшматош айвонида янги расмларни аниқлаб, илмий муомалага киритади.

Қайд этиш керакки, 1970-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистонда қоятош расмлари бир қанча тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Улардан баъзилари ёдгорликларнинг тавсифларини, индивидуал чизмаларни, сюжетларни изоҳлашга уринишган ва петроглифларнинг функционал мақсади ҳақида бир қатор фаразларни билдиришган. Бироқ бу пайтга қадар қоятош расмлари кенг қамровда, алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган эди. Уларнинг тўлақонли тарихий манбага айланиши учун тизимли, батафсил тавсиф ва ҳар томонлама манбалар таҳлили асосидаги тадқиқотлар зарур эди. Шунинг учун Муҳиддин Мустафоқулович ўз номзодлик диссертациясини тадқиқот объекти сифатида “Шимол-шарқий Ўзбекистон қоятош расмлари” мавзусини танлайди. Диссертация тадқиқоти жараёнида олим Ўзбекистоннинг шимол-шарқий қисми тоғ ва тоғолди ҳудудларида олиб борган дала қидирув тадқиқотлари натижасида янги қоятош расмларини аниқлаб, энеолит ва илк бронза даврларига оид ноёб тасвирларни топишга муваффақ бўлади. Уларнинг кўпчилиги илгари бу минтақа учун маълум эмас эди. Ушбу машаққатли меҳнат натижасида 4500 дан ортиқ тасвирни ўз ичига олган кенг кўламли материал ўрганилиб, қайта ишланади.

1985 йилда Муҳиддин Мустафоқулович ЛОИА (Археология институтининг Ленинград бўлими) Илмий даража берувчи илмий кенгаши йиғилишида Ў.И. Исломов раҳбарлигида ўз диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Шу йили Самарқандга қайтган олим Археология институтида ўз меҳнат фаолиятини давом эттиради ва 1987 йилда унинг саъй - ҳаракатлари билан “Ўзбекистонда қоятош расмларини ўрганиш гуруҳи” тузилади. Ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб бораётган ушбу гуруҳ аъзолари томонидан Польша, Франция, Россия, Қозоғистон олимлари иштирокида халқаро экспедициялар ташкил этилган бўлиб, Муҳиддин Мустафоқулович мана шу экспедициялар раҳбари сифатида иш олиб боради. Натижада, унинг бошчилигида ҳозирги кунда республикамизда 150 дан ортиқ янги қоятош расмлари ёдгорликлари аниқланади ва уларнинг харитаси яратилади.

2002–2009 йилларда Муҳиддин Мустафоқулович раҳбарлигида норвегиялик олимлар билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбекистон-Норвегия халқаро экспедицияси томонидан Сармишсой ёдгорлигида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилади. Ушбу халқаро экспедиция аъзолари саъй-ҳаракатлари билан Сармишсой маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу тадқиқотлар натижасида

Сармишсой 2010-йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси дастлабки рўйхати-га киритилган. Сармишсой негизида уч маротаба Халқаро илмий анжуманлар ўтказилиб, уларда инсониятнинг ана шу табиий ва маданий мероси бўлмиш қоятош расмлари ёдгорлигини ўрганиш ва асраб-авайлаш тажрибаси муҳокама қилинди ва умумлаштирилди.

Муҳиддин Хўжаназаров 1995–2004 йилларда Ўзбекистон-Польша, 2005–2019 йилларда эса Ўзбекистон–Франция Қизилқум тош даври қўшма халқаро экспедицияларини Ўзбекистон томонидан раҳбари сифатида фаолият олиб боради. Бу халқаро экспедициялар меҳнат фаолияти туфайли Қизилқум ҳудудида ҳали фанга номаълум бўлган 100 дан ортиқ тош даври маконлари излаб топилади. Айниқса, Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган “Оёқоғитма” неолит даври ёдгорлиги Калтаминор маданияти тўғрисида қадимги тарихи саҳифаларига янги маълумотлар олиш имкониятини берди. Агар бундан 15–20 йил олдин бу маданият мил. авв. 4-минг йиллик билан даврлаган бўлса, экспедиция аъзолари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунда бу маданият илдизи эрамиздан олдинги 7-минг йилликларга тегишли эканлиги исботлаб берилди. Бу эса Қизилқум ҳудудида чорвачилик ана шу қадим даврлардан бошлаб юритила бошлангани исботловчи асосий далиллардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, олим 2014–2019 йилларда Ўзбекистон-Россия қўшма экспедициясини ҳам бошқарди. Бунинг натижасида, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига қарашли тоғли ҳудудларда янги тош даври ёдгорликлари аниқланиб, уларда ҳозирги кунга қадар археологик қазилма ишлари олиб борилмоқда.

Мана шу тадқиқотлар натижасида Муҳиддин Мустафоқуловичнинг Ўзбекистон ва чет элларда “Хўжакент ва Қорақиясой петроглифлари”, “Sztuka naskalna Uzbekistanu”, “Petroglyphs of Central Asia”, “Этнография и традиции населения Сармишсая”, “Сармишсой (қоятош расмлари, илмий тадқиқотлар)” номли 8 та монографияси ва 160 дан ортиқ илмий ва илмий оммабоп мақолалари рус, поляк, япон, инглиз тилларида чоп этилган. Шунингдек, Муҳиддин Хўжаназаров Франция, Италия, Польша, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида ўтказилган халқаро конференциялар ва симпозиумларда Ўзбекистон археологияси тўғрисидаги ўз маърузалари билан иштирок этган.

Муҳиддин Мустафоқулович ўзининг бой илмий тажрибаси ва тинимсиз ғайратини шогирдлари билан баҳам кўради. У нафақат юқори малакали мутахассис, меҳрибон, самимий, ҳар қандай вазиятда шогирдларига ёрдам беришга тайёр фидоий устоздир.

Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг кўп сонли жамоаси, “O‘zbekiston arxeologiyasi” журнали таҳририяти аъзолари таниқли олим Хўжаназаров Муҳиддин Мустафоқуловични туғилган куни, 70 йиллик юбилеи билан чин юракдан табриклаб, у кишига мустаҳкам соғлик, улкан ижодий муваффақиятлар ва қадимиятнинг янги саҳифаларини ўқиш имконини берадиган кўплаб ажойиб илмий кашфиётлар тилайди.

***“O‘zbekiston arxeologiyasi” таҳририяти,
Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти жамоаси***